



- \* Лариса Москалева ўзбекнинг ўрис қизи
- \* Бир хонадоннинг тўрт бедарак йўқолганлари
- \* Музликлар эриши ерликларга зарар етказадими?
- \* Янги телефон овоз билан рақам тераркан



Элим деб, юртим деб,  ёниб яшаш керак

# Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 1 май шанба. № 33 (14224)

## ПОЛВОНЛАРИМИЗ ЎЗБЕК ОРИ УЧУН КУРАШАДИЛАР

### Бугун Тошкентда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати очилади

#### БОБОЛАР РУҲИ ҚўЛЛАСИН

Ўтказилаётган чемпионат ҳар бир ўзбек полвонининг халқига, Ватанига, Президентига бўлган муҳаббати юксаклигини яна бир қарра исботлайди. Курашда “ҳалол” деган атама бор, бу курашчининг мутлоқ ғолиб бўлганини исботлайди. Шу сўз курашчининг фақат майдондаги ғалабаси софлигинигина эмас, балки миллатнинг дили, олқишловчиларнинг ҳам кўнгли поклиги, ҳалоллигидан далолат беради, менимча. Биз ўз курашимиз билан дунё назарига тушиб бормоқдамиз. Бугун бутун миллатнинг кўзи ҳам бизда. Биз полвонлар боболаримизнинг кўрсатган мардликлари, ота-оналаримизнинг қилаётган дуоларини дилга жойлаб, гиламга тушамиз.

Баҳром АВЕЗОВ,  
курашчи

#### АЛПОМИШ КЕЛБАТИНГ ЭГИЛМАСИН

Пойтахтимизда ўтказилажак биринчи жаҳон чемпионатини барча ватандошларимиз қатори биз қизлар ҳам интиқиб кутдик. Чунки ота-боболаримиз ардоқлаган ушбу ўйин замирида нафақат миллатимиз орияти, ғурури, балки севгига садоқатлилиқ ҳам мужассамдир. Алпомиш мардлиги билан Барчинойга вафодорлигини исботлаганди.

Аёлларимиз доим баҳодир йигитларни эъзозлашади, ҳурмат қилади, севади. Уларнинг барча ишларида фақат ғолиб бўлиши тарафдори. Шундай экан, эй полвонлар, биз аёллар ғалабангизга кўз тикиб турганлигимизни мутлақо унутманг.


Садоқат ЖАЛОЛОВА,  
Авиасозлик коллежи талабаси

#### ҒАЛАБАДАН ЎМИДВОРМИЗ

Бугун баҳодирларимиз узоқ-яқин хорижий мамлақатлардан келган кучли полвонларга рўбарў келиб, юртимиз шаънини ҳимоя қилишади. Халқ олқиши, дуои фотиҳаси остида гиламга тушадиган полвонларимиз рақибларини мағлубиятга учратиб, ҳамюртлари олдида юзлари ёруғ бўлишини тилаймиз!

Боболаримизнинг руҳи ҳамиша сизни қўлаб-қувватласин. Қолаверса, бутун ватандошларингиз, биз ёшлар сизнинг ғалаба қозонишингизни Яратгандан сўраб турибмиз. Ҳали Махтумқули Маҳмудов, Тоштемир Муҳаммадиев, Эрали Маҳмарасулов, Ақобир Қурбонов каби полвонларимизнинг исми-шарифлари бутун дунёга маълуми машҳур бўлади.

Фулом ТҮЙЧИЕВ,  
курсант



**Муборак Эркабоева -- Тошкент давлат Аграр университети талабаси. Улуғбек, Беруний номидаги ҳамда «Камолот» жамғармаси стипендияларининг совриндори. Иқтисод, сиёсат, адабиётга жуда қизиқади. Мамлакатимизга кечайтган ўзгаришларга бефарқ эмас. Дилбаргина шеърлар ёзади.**

**-- Муборак, ўзингиз тўғрисида гапириб берсангиз.**

-- Сирдарё вилоятининг Бахт шаҳриданман. 14-мактабни аълога тамомлаб, 1994 йилда Тошкент давлат Аграр университетининг бухгалтерия ҳисоби факультетига ўқишга кирдим. "Ватанни севмоқ -- иймондандир", "Маънавият -- қалбим кўеши" сингари

шарт-шароитлар яратиб берилган. Ижтимоий касблар факультети мавжуд бўлиб, унда қизлар ҳамширалик сирасорларидан тортиб, бичиш-тиқишгача ўрганишади.

**— Президентимиз Ўзбекистондаги ҳар бир йигит-қизни ўз фарзандидек кўрадилар. Қолаверса, у кишининг ёшлардан умидлари жуда**

**катта. Ўз навбатида ёшлар зиммасидаги масъулият, вазифа нималардан иборат?**

-- Менимча ҳар бир йигит-қизнинг шахсий манфаати жамият манфаати билан уйғунлашиб кетиши керак. Шундагина кутилган натижага эришилади. Ёшлар бугун жипслашишлари керак. "Айрилганни айқ ер", дейди доно халқимиз. Ёшлар бирлашса, ўзаро яқдил, аҳил бўлса, биз-

**Муборакнинг муборак қадами**



танловларда қатнашдим. 1996 йили юртимиздаги қишлоқ хўжалиги олий ўқув юртлари ўртасида Жанубий Корея давлати билан ҳамкорликда "Ханаан" танловда "XXI аср остонасида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари" мавзусида илмий ишим учун 2-ўринни олдим. 1997 йили эса шу танловда "Маънавият қишлоқ хўжалиги тармоғининг асосий қаноти-дир" деб номланган мақола билан иштирок этиб, биринчи ўринни эгалладим. Кейинчалик ушбу мақола Жанубий Кореяда китобча ҳолида чоп этилди.

**-- Талабалар кўпинча вақтнинг етишмаслигидан нолиб қолишади...**

-- Мен ҳамма ишларимни режа асосида бажаришга одатланганман. Вақтни беҳуда ўтказишни ёқтирмайман. Мустақиллик кишиларни кўп нарсага, шу жумладан дунёга жиддий, тийрак кўз билан қарашга ўргатади. Бундан буён ҳар бир соҳада фақат билими кучли, ўз мутахассислигининг пухта билимдонлари ишлайдилар, чунки ҳар қанча таниш-билишингиз бўлсаю, ўз касбингиздан унчалик хабардор бўлмасангиз, бундан ёмони йўқ. Ахир ҳаётнинг ўзи ҳам курашдан иборат-ку!

**-- Сизни қандай муаммолар қийнайди?**

-- Билмадим, бизнинг университетда йигит-қизларнинг билим олишларидан то ҳордиқ чиқаришларию, ўз саломатликларини тиклашлари учун барча

га четдан ҳеч қандай бегона мафкура ўз таъсирини ўтказа олмайди, йигит-қизларнинг онгини захарлай олмайди, иродасини ўзига бўйсундирилмайди. Назаримда ўзини замонавий ҳисоблаган ҳар бир йигит-қизда шарқона одобахлоқ билан биргаликда ҳуқуқий, сиёсий ва миллий онг шаклланган бўлиши керак. Миллий онгнинг асосида эътиқод ётади. Эътиқоди мустаҳкам бўлган инсон гуноҳни савобдан, адолатни раволатдан, инсофни инсофсизликдан, диёнатни хиёнатдан ажрата олади.

**— Муваффақиятларингизнинг асосий омилни нималарда деб биласиз?**

-- Муваффақиятларимда энг аввало устозларимнинг ҳиссалари катта. Муҳаррам Раҳмонова, Ражаббой Дўстмуродов, Ўғиллой Орифжонова, Иброҳим Хўжамуродовлар шулар жумласидандир.

**-- Орзуларингиз...**

-- Орзуларим кўп. Ҳозирги билимларим билан чекланиб қолишни истамайман. Соҳам бўйича ўзимизнинг кафедрамизда ўқитувчилик қилмоқчиман. Кейинроқ аспирантурада ўқиш ниятим бор. Лекин энг катта орзум жаҳоннинг тараққий этган давлатларида ўқиш, малака ошириш, тажриба орттиришдир.

**Назокат УСМОНОВА**  
сўхбатлашди

## МУНОСИБ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ — ДАВР ТАЛАБИ

Тошкент давлат Иқтисодиёт университетида Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда "Бозор муносабатларига утиш шароитида таълим муассасаларини бошқариш ва раҳбар кадрларни тайёрлашнинг ижтимоий психологик муаммолари" мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг барча вилоятлари олий ўқув юртларининг проректорлари, профессор-ўқитувчилари иштирок этишди. Олий ва ўрта махсус таълим вазири Саидахорр Гуломов анжумани кириш сўзи билан очар экан, бугунги кунда республикадаги барча олий ўқув юртларида раҳбар кадрларни тайёрлашнинг такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари хусусида батафсил тўхталиб ўтди. Шундан сўнг сўзга чиққанлар кадрлар тайёрлашнинг Миллий Дастурига мувофиқ раҳбар шахсига қўйиладиган психологик талаблар, таълимни бошқаришдаги ижтимоий-

иқтисодий муаммолар хусусида ўзларининг фикрларини билдиришди.

— Эндиликда ёшларимиз орасидан замон талабларига жавоб берувчи жаҳон андозалари даражасидаги раҳбар кадрларни тайёрлаш биз профессор-ўқитувчиларнинг олдида турган долзарб вазифага айланди, — деди психология фанлари доктори, профессор Василя Каримова. — Шу ўринда бошқарувдаги ижтимоий-психологик жараёнларни ўрганишнинг илмий асослари муҳим аҳамият касб этади. Ҳозир талабалар ичида истеъдодли, билими кучли йигит-қизлар кўпчиликни ташкил этади. Биз уларнинг иқтидорини тўғри йўналтириб, жамият тараққиёти учун фойдали томонга қаратмоғимиз лозим.

Анжуман иштирокчилари шўьбаларга булиниб, кун тартибида белгиланган мавзуларда давра сўхбатлари ўтказишди.

**Н. ШАВКАТ ҚИЗИ**



## АНТЪАНАВВИЙ АНЖУМАН

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардан келган иқтидорли ўқувчилар иштирок этди. Анжуман санъатшунос-ўлкашунослик, адабиётчи-ўлкашунослик, географ-ўлкашунослик, тарихчи-ўлкашунослик, сайёҳлик-ўлкашунослик йўналишларида ўтказилди.

Тадбирда иштирок этган олим ва санъаткорлар ўқувчиларнинг мамлакатимиз тарихи, маданияти, санъати ва табиий иқлимга оид илмий-ижодий ишларини юқори баҳолади. Айниқса, деновлик Алишер Обидовнинг ўлкашунос ёзувчи сифатида тақдим этган ижодий иши иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

-- Ёш сайёҳлар ва ўлкашунослар тадбирларида нафақат юртимизга, шунингдек, халқимизнинг маънавий оламига ҳам саёҳат қиладилар, — дейди марказ директори Шавкат Назаров.

Дарҳақиқат, назария билан амалиётни ўзаро боғлайдиган сайёҳлик ва ўлкашунос ишлари таълим тизимининг муайян соҳаларидан биридир.

"Иқтидорли болалар" анжумани юқоридаги фикримизни яна бир қарра исботлади. Тантанали равишда кечган ушбу тадбир якунида голибларга махсус совғалар топширилди.

## СИЗ ҚОНУННИ БИЛАСИЗМИ?

**Тошкент давлат университетининг Маданият саройида республика «Камолот» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилаётган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Мазкур танловни ўтказишда жамғарма Республика Халқ таълими, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Телерадиокомпания билан ҳамкорликда иш олиб борди.**

Танловнинг якуний босқичида юртимизнинг барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрининг ўрта махсус ўқув юртлари ҳамда умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари иштирок этишди. Танлов қатнашчилари "Жамоани таништириш", "Савол-жавоб", "Суд - тергов жараёни", "Сардорлар беллашуви" сингари шартлар бўйича ўзаро куч синашишди. Ҳайъат аъзоларининг баҳолашига кўра, Қорақалпоғистоннинг "Хумо" жамоаси биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Иккинчи ўрин Самарқанднинг "Қонун" ҳамда Андижоннинг "Адолат" жамоаларига насиб этди. Навоий вилоятининг "Адолат", Сирдарёнинг "Қонун" ҳамда Хоразмнинг "Истиқлол" жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

-- Ушбу танловни ўтказишдан асосий мақсад ёшларда Ватанга муҳаббат, келажакка ишонч руҳини шакллантиришдан иборат, — дейди "Камолот" жамғармаси бошқаруви раиси Ҳотам Абдураимов. -- Қолаверса, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ҳолатларини камайтириш ва бартавраф этишдек эзгу мақсадларни ҳам танлов ўз олдига қўйган эди.

**НОЗИМА**

## САНАМЛАР САРВАРИ

Аёл фақат Аёллар йилида эмас, доим ҳам эъзозда бўлган.

"Камолот" жамғармаси Фарғона шаҳар бўлими Аёллар йили муносабати билан эса турли кўрик-танловлар, учрашувлар, адабий кечалар ўтказиб келмоқда.

Ана шундай тадбирлардан бири яқинда шаҳарнинг энг гузал гушаларидан бири — Аҳмад ал-Фарғоний хивбонида бўлиб ўтди. "Санамлар сарвари" деб номланган бу телевизион танловда иштирок этган Фарғона давлат университетининг иқтидорли талаба қизлари ўзларининг ўлка тарихи, миллий анъаналари, урф-одатлари борасидаги билимларини намойиш этишди. Танловда ижро этилган турли куй-қушиқлар, шеърлару сахна кўринишлари томошабинларга баҳорий кайфият бахш этди.

Беллашувда университет рус филологияси факультети талабаси И. Дадахонова голиб деб топилди. Тадбир иштирокчилари "Олтин мерос", "Камолот" жамғармалари ва университет томонидан эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**"ТУРКИСТОН" мухбири**

Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театрида тиббиёт ходимлари «Ҳамшира-99» кўрик-танловининг шаҳар босқичи якунланди.

Ҳар бир соҳа эгаларининг касб маҳоратини оширишда ўтказилаётган танловларнинг аҳамияти катта. Шу боис тиббиёт соҳасида ҳам касб малакасини ошириш борасида ана

## Балли, Маҳмуда!

шундай кўрик-танловлар ўтказиш яхши анъана бўлиб қолмоқда. «Ҳамшира-99» танловининг шаҳар босқичида туман мусобақаларида голиб чиққан ўн бир нафар ҳамшира қиз иштирок этиб, соҳа бўйича ўз билим ва маҳоратини намойиш қилди. Чилонзор туманидан Маҳмуда Умурзоқова биринчи ўринни эгаллаб, танловнинг шу йил июнь ойида ўтказиладиган Республика босқичига йўлланма олди. Сирғали туманидан Умида Амирова иккинчи, Юнусобод туманидан Арофат Назарова учинчи ўринга сазовор бўлди.

**/ЎзА/**

Хотира — уйгонса гўзалдир

МАНГУ БУЛОҚЛАР



Уруш йиллари... Навқирон ўғлонларнинг беғуноҳ тукилган қони-ю, мушфиқ оналарнинг аламли кўз ёшларига йўғрилган минг тўрт юз ун бир кеча-кундуздан иборат бу йилларда Жиззах вилоятидан ҳам қирқ мингга яқин йигит-қиз фронтга жўнади. Шундан қарийб етти минг нафари жанггоҳларда қолиб кетди.

Ҳар куни юзлаб бўлажак жангчилар қизил вагонларга чиқишар, озиқ-овқат, кийим-кечак ортилган эшелонлар шовқин-сурон билан йўлга чиқарди. Бекатда қолган қариялар, оналар, қиз-жувонлар умид билан информбюро хабарларини тинглашар, сўнгра урушга кетганлар ўрнини эгаллаш учун ким далага, ким заводга ошиқарди. Фронт ва фронт орти ягона кураш майдони эди...

Бугун вилоят марказида бунёд этилаётган Хотира боғи ана шу йиллар бизнинг тинч ҳаётимиз, иқболимиз учун қурбон бўлганлар хотирасига эҳтиромимиз тимсоли сифатида қад ростламоқда. Ун икки гектар ерни эгаллаган бу хиёбонга иккита рамзий дарвозадан кирилади. Бир томонда нурунийлар учун қурилган қўшқаватли чойхона. Унинг икки тарафида сув ҳавзаси ва фаввора. Бу ерда барча йўллар боғнинг асосий қисми — Мунгли Она ҳайкалига олиб боради. Ҳайкал пойига кўтариладиган зиналар ёнида ёдгорлик тошлари ўрнатилади.

Боғ қурилиши билан танишар эканмиз, лойиҳа бош меймори Бобоқанд Жонузоқов бу ишларнинг 9 майгача якунланишини айтиб, туманлар номи ёзиб қўйиладиган мрамар тошларга эътиборимни қаратди: "Булар ҳам узимизники — Бахмалда ишлаб чиқарилган" деди фахр билан.

Чиндан ҳам, Хотира боғини бунёд этишда ҳамма ҳисса қўшмоқда. Бу ишда икки юз уттиздан ортиқ корхона ва ташкилот иштирок этапти. Ҳатто турли билим даргоҳлари талабалари ҳам дарсдан буш вақтлари келиб қурувчиларга кўмаклашишади. Маҳаллалар, Ҳаж сафарига бўлиб қайтган нурунийлар, хусусий фирмалар ҳар куни боғ бунёдкорлари учун ош дамлаб, ўз ҳисобларидан тушлик нонушта ташкил қилишаркан. Бир сўз билан айтганда ҳамма савоб ишга бош қўшсам, дейди. Ахир марҳумлар хотирасини ёд этиш, қадрлашдан ҳам улуг иш борми, дунёда!

Боғ бетакрор йўсинда лойиҳалаштирилган. Мунгли Она ҳайкалини ясашни ўз зиммасига олган таниқли ҳайкалтарош Жалолддин Миртожиев урушнинг бутун заҳматию айриликларини бошидан кечирган Аёл образини яратишнинг узига хос ечимини топган. Ёдгорлик пойидаги мангу олов ўрнида Она кўз ёшларини ифодаловчи икки булоқ оқиб туради... Бизни нурунийлар чойхонасининг безаклари ҳам ҳайратга солди. Самарқандлик устлар ижодининг маҳсули бўлган бу мовийтус нақшларни қуриб Хотира боғи энг гўзал гўша бўлишига ишонч ҳосил қилдик. Яна уйладикки, Юртбошимиз ташаббуси билан бунёд этилган бу боғга қадам қўйган ҳар бир киши Мунгли Она пойига гулчамбарлар кўяр экан, ўзларининг бахтли ҳаётлари учун шаҳид кетганларни ёдлаб, бир зум сукут сақлашади. Бу сукутда Ватан тарихига, аждодлар руҳига эҳтиром ўз аксини топади.

Жамолддин ТЎХТАШЕВ,  
"Туркистон" мухбири

ҲАМОН КЎТМОҚДАМИЗ

Баҳор. Уруш тугаяпти. Ниҳоят галаба! Бу кунни қанчалар орзиқиб кутган эдик! Галаба. Ҳар баҳор шу булар такрор, ҳар баҳор ҳам шундай буладими...

Онамлар тахмондан ҳаммамизга таниш қўтичани олиб, унинг ичидан уша учбурчак қилиб букланган соғинч хатларини дастурхонга ёздилар. Уша таниш сатрлар. Кўз ёшлари томиб, купчилик ҳарфлар ёйилган. Лекин мазмуни ёд бўлиб кетганидан қийналмай ўқийверамиз. Мана бу Қодир (1916 йили туғилган), Одил (1918 йили туғилган), Хусан (1922 йили туғилган) амакимлардан қолганлари дадам Баҳром (1912 йил туғилган) дан келган мактублар. То 1943 йилга қадар улардан хат-хабар келиб турган эди. Кейин... Кейин эса кетма-кет "қора хатлар" кела бошлади. О, уша кунлар. Биз ака-ука (мен 1937 йилда, укам Эркин 1941 йилда туғилганмиз) уша пайтда ҳали гўдак бўлсак-да, жуда яхши хотирлаймиз онамнинг кўз ёшларини.

Онам (Қундузхон ая — 1914 йили туғилган) ҳамон дадамларни кутмоқда. Илтимос, Усмонов Баҳром туғрисида эшитганинглар бўлса, Тошкент шаҳар, Акмал Икромов тумани, Учтепа маҳалласи, Маҳорат кучасининг 96-уйида яшовчиларга хабар йўнланглар.

Усмоновлар оиласи номидан  
Ҳотам УСМОНОВ, меҳнат фахрийси

ЙИГИРМАДА ЁНМАГАН ЧИРОҚ

Қамашилиқ Файзулла Эргашев ҳали 10-12 ёшидаёқ худди 20-22 ёшли йигитлардек савлатли қадди бор эди. У ҳамқишлоқлари билан кураш тушар, машгулот олиб борар, унча-мунча боланинг у билан беллашишга юраги безилларди. "Қатта бўлсам, албатта доктор буламан", бу унинг энг тоза ва юксак орзуси эди. Файзулла Эргашев шу ниятда Урта Осиё педиатрия медицина институтига ўқишга кирди. Унинг қувончи чексиз, болаликдаги беғубор орзуси амалга ошган эди-да. Талабалик, оқ қанчалик севинчга ва эҳтиросга тула дамлар. Файзулла, сен талаба бўлдинг-ку, лекин унинг тотли дамларидан баҳраманд бўлолмадинг.

Сенинг қувончдан энтикиб, ҳаёт лаззатларини тотиб кураётган бир пайтингда қўлингга қақирқ қоғози топширишди.

1981 йил октябрь ойида Файзулла йигитлик бурчини уташ учун армия сафига жўнади. У ерда олти ойлик тайёргарликдан сўнг қўшни Афғонистон Республикасига "ёрдам"га юборилади.

Узга юртда уша пайтлар шиддатли жанглار борар, лекин Файзулла ва минглаб Файзуллалар нима учун ва ким учун жанг қилаётганини билмас, "Ким учун қон тўкаяпмиз" деган саволдан лол эди улар. "Фақат олға бориш ва "душман"ни битта қолдирмасдан қириш керак" деган сўзлар

уларнинг онгига сингдирилган эди.

1943 йил май ойининг охири Файзулланинг бўлинмаси душман қўршовига тушиб қолди... Ёрдамчи кучлар етиб келганда, бўлинма жангчиларининг деярли ҳаммаси ҳалок бўлган эди.

Ҳамюртлари унинг номини абадийлаштириб, тумандаги мактабларнинг бирига Файзулла Эргашев номини берган. Унинг жасорати медаль ва орден билан тақдирланган.

20 ёшли бир ўғлоннинг умри мустабид тузум замонида ана шундай якун топди.

Шахриддин ЭРГАШЕВ,  
Низомий номидаги  
Тошкент Давлат  
Педагогика Университети  
талабаси

Телевизордан ночор бир банданинг жонни ўртагувчи аламли сўзларини эшитиб, турган жойимда қотиб қолдим. Изтиробда ёнаётган отанинг ўгли диний ақидапарастлар қўтқусига учиб ҳаётда адашган... Бутунлай нотаниш одамнинг боласи бўлсам юрагим туз сепгандай ачишиб кетди... Тинчим йўқолди. Адашган йигитларга раҳим келди. Ҳам раҳим келди, ҳам...

Агар, ростдан ҳам адашган бўлмаса, ҳозиргидек омон-омонлик замонида ақидапарастлар қўтқусига учармиди... Агарда Ислом динидан хабардор бўлсалар, бу йўлга қадам қўярмидилар?! - яқкаш савол бераман ўзимга. Бундан чиқди улар Оллоҳ таолонинг Қуръонда бандаларига қарата "Фирқаларга бўлинмангиз!" - деган каломидан беҳабар эканлар-да. Қуръони каримни ўқишга, ўрганишга тиши ўтмаган бўлса, пайғамбаримиз Ҳадисларидан ҳам беҳабар эканлар-да... Ахир Муҳаммад с.а.в. "Тили ва қўлидан бирон кимсага ёмонлик келган кимса мендан эмас..." - деган эканлар.

Фарзандлар-ку азбаройи укувсизлигидан кимларнингдир қандайдир ваъдаларига чиппа-чин ишонганлар. Лекин бу йигитларга ҳаёт берган, вояга етказган, ўзини ўтга-чўққа уриб уйли-жойли қилган ота-она қаёққа қараган?! - деган саволлар пайдо бўлади.

Мен бу ота-оналарга жуда-жуда ачинаман. Оғзим ошга етди деганда бўйи баробар фарзанди: "Мен сизларни билмайман, танимайман" - деганини ишини қилиб, ота-онасини, хотини, бола-чақасини доғда қолдириб қайларгадир

беиз йўқолса-кетса-я... Мусулмон банданинг ишими бу? Инсонийликнинг қайси қоли-пига тўғри келади? Отасига-онасига, яқин-йироқ қавм-қариндошларига эл бўлмаган одамдан нимани кутиш мумкин?! Ўзининг йиртигига ямоқ бўлолмаган кимса элнинг, юртнинг қорига ярамикан?!

Лекин шулардан қатъий назар, Президентимиз Ислом Каримов бундай адашган ёшларга мурувват кўрсатиб, эгри йўлдан қайтишга даъват қилаётирлар-ку.

Ҳой, ёш ўғлонлар! Бу даъватга қўлоқ тутинг. Ахир сиз шу юртнинг -- Ўзбекистон Республикаси деб а т а л м и ш мустақил элнинг фарзандисиз-а... Бу мустақилликка эришиш йўлида сизларнинг боболарингиз жонини фидо қилиб ҳам етолмаган хуррият замонида яшаётганингизни наҳотки англаб етмаган бўлсангиз? Мустақилликка эришганимизга бор-йўғи етти йил бўлди... Шу вақт ичиди нималарга эришганимизни ўз кўзингиз билан кўраяпсиз-ку! Қўлга киритган ютуқларимизни санаб ўтирмайман -- негаки унинг ҳисоби йўқ. Буни ҳамма ўз кўзи билан кўриб-билиб турибди: Энг муҳими, урфдан чиқиб кетган қанчадан-қанча кадрятларимиз қаторида унутилишга юз тутган тилимизни Давлат тили қилиб

берди бизга мустақиллик. Сиз ёшлар у ёқда турсин, оталаримиз ҳам танимаган бобокалонларимизни тарихимиз қаъридан излаб топиб, Имом ал-Бухорий, ал-Фарғоний, Амир Темурларни аввало, ўзимизга, қолаверса жаҳонга танитди. Кадрятларимизнинг қаддини кўтарди...

Мана шу янглиғ жаҳоншумул воқеалар олдимизда турган бир чоғда ўзимизни четга тортиш, ивирсиб юриш -- жаҳолатдан бўлак нарса эмас.

Биз кўрган очарчилик, қаҳатчиликни сизлар кўрмадингиз. Узундан-узун беш йил давом этган уруш йиллари... Очин-тўқин, юпун, томлардан чиқ-чиқлаб ўтиб турган чаккаларга дош бериб, ойлаб қозони ёг-ғўшт кўрмаган эл-юрт ҳаммасига бардош берди-я... Акаларимиз жангу-жадалга нега жўнади? Элимиз-юртимиз бошига бадтарин қора кун тушмасин, деди...

Ленинград яқинидаги Синавил тепалиги учун бўлган жангу жадалда яраланган ва ҳалок бўлганда акам Аҳмад Аҳрор эндигина 21 ёшда эди...

Сизларчи, ҳой адашган болаларимиз, нима қилмоқчисизлар? Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлида бажарилажак ишларга ўз улушингизни қўшишни уйлайсизларми? Бир пайтлар ошхонага, омборхоналар-

га айлантирилган зиёратгоҳларимиз гардини пуф-пуфлаб тозалалаб, заррин кошоналарга айлантириб, оламга кўз-кўз қилган мустақиллигимиз одимларига қадимингизни ростлашни уйлайсизларми?

... Кўз ўнгимда телевизордаги куйган отахон пайдо бўлади. Унинг экранга тикилганча фарзандларига қилган нолиши юрагимга наштадек ботади. Унинг кўзлари мўлтираб фарзандини чорляпти. "Қайт, кўзларимиз йўлда, хотиннинг, болаларинг кутаяпти..." - деяпти. Ахир онаизорни, ота шўрликни куйдириб, мусулмончиликнинг қайси арконини бажараяпман, деб уйлайди у адашган бандалар?! Ахир: ота-онани норози қилиб, хотин, бола-чақани йўлига нигорон қилиб ташлаб кетиш қайси мусулмончиликда бор?! Менга қолса, фақат шу отахоннинг ўғилларига эмас, балки адашган барча йигитларга қарата шундай деган бўлардим: "Сенга нима бўлди, болажон. Ақлингни йиғ. Ойланг бағрига қайт. Ота-онангни фарзанд дийдорига, аёлингни ёр дийдорига, фарзандларингни ота дийдорига зор қилма! Ахир Исломда эркак оила бошлиғи саналганини унутдингми? Рўзгор юкини қариялар ва аёллар зиммасига ташлаб қўйиб мусулмонлик қилмоқчимсан?!"

Президентимиз мурувват кўрсатдилар. Бу мурувватдан фойдалан. Эсингни йиғиб иш тут. Ҳар доим эгилган бошни қилич чопмас, шунини унутма!

Холида АҲРОРОВА,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган  
маданият ходими

ОЙЛАНГ  
БАҒРИГА ҚАЙТ,  
БОЛАЖОН!

## 1. МАЪНО ЮКИ ҚАХРАМОН ОБРАЗИДА

Маъно ёзувчидан асарга ўтади, асардан китобхонга. У бамисоли қимматбахо юк. Уни бир босқичдан иккинчи босқичга етказувчи куч бор. Бу -- асар қахрамонлари. Адабиётшуносликда бу куч иккита атама билан ифодаланади. Улардан кўпроқ ишлатиладигани образдир. Тадқиқот ишларида эса кўпроқ тилга олинadигани характер. Сўзсиз жумла тузиш мумкин бўлмаганидек, образ ва характерларсиз асар яратиш ҳам мумкин эмас. Бошқачароқ қилиб айтганда, образ ва характерлар асар деб аталмиш "иморат"нинг қурилиш материали -- синчи, тўсини, ҳам ҳариси. Шу боисдан бўлса керак, кўпгина асарлар танланган қахрамон номи билан аталади. Ойбек Алишер Навоий ҳақидаги романини оддийгина қилиб "Навоий" деб атади. Пиримқул Қодиров Бобур ҳақидаги романини оддийгина нашрларда "Юлдузли тунлар" деб атаб, сўнгги нашрни "Бобур" деб атаб қўяди. А.Пушкин машҳур қиссаларидан бирини қахрамон номи билан "Дубровский" деб атаган бўлса, шеърини романини "Евгений Онегин" деб атади. Лев Толстойнинг "Анна Каренина"си шу қахрамон номи билан аталмиш ҳам бежиз эмас. Навоийнинг достонлари "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин" деб аталмиш ҳам шунга монанд... Одатда маълум бир маънони ифода қилиш учун танланган қахрамон номи тарихийлиги, маънодорлиги, баъзан оҳангдорлиги билан ёзувчи ниятига тўғри келиб қолади. Бундай пайтларда ижодкор алоҳида ном излаб юрмайди.

Кўп ҳолларда ёзувчи асарнинг маъносига ишора қиладиган атама излайди. Лев Толстой 1812 йил Наполеонга қарши уруш воқеаларини акс эттирадиган эпосеясини на Кутузов, на Безухов, на Балконский номлари билан атай олмас эди. Гарчи бу учала шахс асарнинг бош қахрамони ҳисобланган ҳам. Асарни оддийгина маънодор ном билан "Уруш ва тинчлик" деб атаб қўяди. М.Шолохов 4 жилдик "Тинч оқар Дон"ини Григорий Мелехов номи билан боғласа ажабланарли бўларди. Ч.Айтматов кейинги романларидан бирини "Қиёмат" деб атади. Бундан ҳаёт асар ёзилган даврдигидек давом қилаверадиган бўлса, "қиёматдан дарак" деган маъно англашилади.

Бадий асарнинг тузилиши -- қахрамонларнинг асардан урин олиши билан боғлиқдир. Бу жиҳатдан ҳам адабиёт оламида асарлар бир-бирларидан катта фарқ қилади.

Бу хил асарларда бутун бир воқелик бир ёки икки қахрамон атрофида айланади. Ойбекнинг "Қутлуг қон" романида йўлчи образи билан бевосита боғланмаган бирор воқеани топши қийин. Абдулла Қаҳҳорнинг "Сароб" романи хусусида ҳам худди шу фикрни айтиш мумкин. Абдулла Қодирийнинг "Ўткан кунлар"ида Отабек билан Кумуш воқеаларни бир-бирлари билан улаб турадиган боғлағичлардир. П.Қодировнинг "Бобур"и хусусида ҳам шундай дейиш мумкин.

Асарлар борки, улардаги воқеаларни бир-икки қахрамон атрофида йиғишни тасаввур қилиш қийин. "Уруш ва тинчлик"да 519 қахрамон иштирок қилар экан, бироқ улардан бирортаси романга киририлган барча воқеаларни бир нуқтага жамлай олмайди. Чўпоннинг "Кеча ва кундуз"идаги воқеаларни ҳам бир қахрамон атрофида тизиб чиқиш мушкул.

Асарда қахрамонлар қай даражада хилма-хил бўлмасин, улар бир-бирларидан қандай фарқ қилмасин, вазифаси битта -- маъно ташиш.

Ёзувчининг санъати ҳам шунга боғлиқ. Озми-кўпми қахрамонларни бирлаштириб, уларга локомотивлик вазифасини бера олишдир.

Адабиётшуносликда таҳлил

қилиниши жиҳатидан асар қахрамонларининг оз сонли ва шунга мувофиқ маънодор бўлиши афзалроқ кўринади. Кам сонли, айрим ҳолларда битта бош қахрамон иштироки билан якунланadиган асарларни мумтоз адабиётимизда кўп ишлатилadиган Сарв дарахтига ўхшатиш мумкин. Маълумки, Сарвнинг қадди шу даражада текиски, у бамисоли ўққа ўхшайди. Унинг барча шаҳобчалари ўша ўқ танга ёпишган бўлиб, улардан бирортасини тўпидан ажралиб, эгри чиқиб турганини кўрмайсиз. Мумтоз адабиётда "сарвқомат дилбар" тунчасининг кўп ишлатилиши ва бу икки сўзнинг катта маъно аниқлиги ҳам бежиз эмас. "Ўткан кунлар"ни ўқиганингизда бирор воқеанинг бош ўқдан ажралиб, унинг кўркам "қомати"ни бузиб турадиган бирор ҳодисага кўзингиз

Бироқ тадқиқотчилар маъно ташувчи образлар хусусида гапирганда ўзбек адабиётининг классик асарларидан бўлмиш бу икки романнинг ўзига хосликларини этиборга олмайдилар.

Маълумки, "Ўткан кунлар"да ҳам Отабек, Кумушлардан ташқари қатор образлар бор. Ёзувчининг санъати шундаки, буларнинг барчасини Отабек ва Кумуш фожеасига ҳам ташқи, ҳам ички жиҳатдан мустақам боғлай олган. Романдаги бирор образ шу фожеани ифодалашдан четга чиқиб кетмайди. Фақат Юсуфбек хожи образида унинг руҳий олами бойлиги туфайли қўшимча бир маъно акс эттирилади. Бу ўзбек халқининг дарвозасини қоқиб турган рус мустамлакачилик сиёсатига муносабатдир.

"Кеча ва кундуз"да бошқача манзарани кўрамиз. Тўғри, бу ерда ҳам маъно "Ўткан кунлар"даги бош маънога яқин -- қоқоқлик,

йўсинда асарнинг ижтимоий маъноси ойдинлашади.

Демак, бадий қиймати, ижтимоий маъноси жиҳатдан бу икки роман бир-бирларига тенг келса ҳам, образларни ҳар хил ҳаракатда кўрсатиб, умум хулоса чиқариш услубида бир-бирларидан фарқ қиладилар.

Маълумки, адабиётнинг тур ва жанрлари кўп. Бунинг устига бадий асарлар услуб жиҳатидан бир-бирларидан фарқлидирлар. Тур, жанр ва услубдаги хилма-хилликлар, образ ташувчи кучлар моҳиятан бир хил бўлсалар, шаклан ҳар хилдир.

Шеърятда маъно ташувчи асосий куч шоир шахсияти билан бевосита боғлиқ лирик қахрамондир. Демак, лирикада асар ва ундаги образларни бир-бирдан ажратиб қараш билан масала ҳал бўлавермайди. Маълум бир хулосага келиш учун шоир лирикасидан қахрамон қиёфасини

до бўлди. Биз бу ерда Омон Мухторнинг қатор романларини назарда тутаймиз. Уларда яратилган рамзий образлар маъно ташиш жиҳатидан улардаги реалистик образларга нисбатан кўламикроқдир.

Омон Мухторнинг "Минг бир қиёфа" романида қахрамонлар сони кўп эмас. Унда асосан учта шахс доимий ҳаракатда бўлади. Асарнинг бош қахрамони -- матбуот ходими, ҳали юзага чиқармаган шоир Абдулла Ҳаким. Асарнинг асосий маъносини шу образ ташкил этади. Тоталитар мафкура-си ҳукм сурган даврда шахсларро мувозанат бузилган эди. Ҳаётда "ҳеч ким бир-бирига қарам эмас", "ҳамма баробар" деган ширлар ўртага ташланган бўлса ҳам маънавий жиҳатдан тенглик йўқ эди. Ҳаётда ўз мавқени сақлаб туриш учун кимгадир таъзим қилиш керак, кимгадир метин садоқат изҳор қилиб унга суяниш керак. Ҳатто бор ҳаётини ўзидан устун кимгадир бағишлаб, энг оғир дамларда ҳам ўша садоқатдан воз кечмаслик, аксинча, бу билан фахрланиши лозим эди. Абдулла Ҳаким шу хилдаги типлардан. Бу хилдаги типларнинг пайдо бўлишига замин ҳозирлайдиган ва унга доим ўғит бериб турадиган шахс озмунча эмас эди. Шу хилдаги типлардан бири мансабдор Бурхон Шариф.

Ҳаётда гаройиботлар кўп. Шундай гаройиботлардан бири Абдулла Ҳакимнинг бошига тушади. Тегишли тартиб ва тузгун ўрнатишга мўлжалланган кимсалар Абдулла Ҳакимни сўроқ қилишади. Шундан кейин ҳеч қандай ҳуқуқий тартиботларда кўрсатилмаган бир ҳолда уни оғир жазолайдилар -- дорилфанондан дорилбақога йўллайдилар. Энди у руҳ тарзида саргузаштларни бошидан кечиради. Бу ҳол ёзувчиға анча қулайлик туғдиради. У энди тирик жон кўриши, билиши мумкин бўлмаган содиқ раҳбари Бурхон Шарифнинг сир-асрорини англаб олади. У ўзининг қай даражада руҳий куллик ботқоғида қолиб кетганини билиб олади. Қандай йўллар билан Бурхон Шариф унинг оёқ ва қўлига эрксизлик кишанини илганини англайди. Шу маънода Абдулла Ҳаким ва Бурхон Шарифлар тоталитар даврнинг иллатларини фож қилувчи образлар сифатида гавдаланади.

Г.Г.Маркеснинг "Елғизликнинг юз йили" ва Омон Мухторнинг "Минг бир қиёфа" асарлари таҳлилдан қуйидаги хулосалар чиқади. Ҳаётда ажойибу-гаройиботлар жуда кўп. Булардан етук классиклар -- Алишер Навоий, Данте, Гётелар унумли фойдаланганлар.

Бу жиҳатдан ўзбек адабиёти тарихида, хусусан, ислом таълимотига тегишли манбаларда кўпдан-кўп бадий обидалар бор. Биттагина Рабғузийнинг "Қиссасил анбиё"сида китобхонни таажжубга соладиган қандайдан-қанча воқеа ва ҳодисаларни кўрамиз. Шу туфайли "Қиссасил анбиё"ни китобхон севиб ўқиган. Балки шу туфайли ҳаётдаги ажойибу-гаройиботларга синчковлик билан назар ташлаган Г.Г.Маркеснинг "Елғизликнинг юз йили" романи дунёга машҳур бўлгандир.

Сўзсиз, дунё адабиётининг асл негизи бўлган соф реалистик метод инсониятнинг катта маънавий бойлиғидир. Шундай қараганда, норреал бўлиб кўринган воқеалар тасвирига бағишланган рамзий услубда яратилган асарларнинг ҳам жаҳон адабиёт тарихида ўрни оз эмаслиги кўриниб турибди. Аниқроқ қилиб айтганда, рамзийлик услубдир. Унда иштирок қиладиган образлардан келиб чиқадиган маъно реалдир. Шу боисдан бу икки йўналишни бир-бирига зид қўйиш мумкин эмас.

Афсуски, тоталитар даври адабиётда реалистик метод тан олинadиди, рамзий метод адабиёти ижодкори учун ёт ҳисобланарди. Шу билан адабиёт тарихида минг-минг йиллар давом қилиб келган услубий ранг-баранглик зарбага учраган эди.

### Матёқуб ҚўШЖОНОВ

# БАДИИЯТ САБОҚЛАРИ

*Мустақилликнинг саккиз йиллиги кетаяпти. Бугунги ҳаёт мустақиллик гоялирига мос тушади-ган, ҳаётни холисона акс эттирадиган адабиётни талаб қилади. Холисона адабиёт эса холисона таҳлили, бадий ижод тажрибасига асосланган назарий хулосаларни асар қимматини белгилайдиган объектни ўлчовларни талаб қилади.*

*Маълумки, бадий адабиётнинг асл қиммати бадийят билан бошланади. Афсуски, узоқ йиллар давомида бадийят адабиётининг иккинчи даражаси фазилати сифатида баҳоланиб келинди. Унинг биринчи даражаси фазилати эса «ғоявийлик», «партиявийлик», «синфийлик» деб белгиланди. Бу ҳол адабиётни асл ҳақиқатдан анча узоқлаштириб қўйди. Шу тамойилларга асосланган мунаққидчилик ҳам ундан узоққа кетолмади.*

*Эндиликда адабиётнинг бош фазилати -- бадийят ҳақида қўрқмасдан, дадил фикр юритиш даври келди. Шу муносабат билан адабиёт назариясига тегишли тамойилларни -- бадийят белгиларини аниқроқ ва тўлароқ очиб бериш зарурати туғилди.*

*Устоз адабиётшунос олим академик Матёқуб Қўшжоновнинг «Бадийят сабоқлари» шу масалага бағишланган.*

тушмайди. "Шаҳобча"ларнинг барчаси бир ўқ атрофида айланади, бир танга қават бўлиб ёпишади.

Битта ёки иккита бош қахрамонни танлаб, асар битган ёзувчилар кўп учрайди. Бироқ улардан ҳаммаси ҳам "Ўткан кунлар" ёки "Қутлуг қон"дагидек барча воқеаларни марказий қахрамонлар атрофида айланттириб, аниқ маъно ифодалайдиган кўркам "тана" яратишнинг улдасидан чиқармайдилар. Шу боисдан улар бадий жиҳатдан заиф, жўн битиклар сифатида бирор из қолдирмасдан ўтиб кетадилар. Афсуски, XX аср ўзбек адабиёти тарихи бу хилдаги асарлар билан тўлиб-тошиб ётибди. Шундай асарлар ҳам борки, уларда маъно жиҳатдан бир хил даражадаги образлар сони битта ҳам эмас, иккита ҳам, балки бир нечта. Бироқ ёзувчи санъати билан улар охир оқибатда марказлашган муҳим маъно англа-тадилар. Бу хилдаги асарларни табиат оламида машҳур Эман ёки Садақайрағоч дарахтларига ўхшатиш мумкин. Уларда шаҳобчалар Сарв дарахтидек қават-қават бўлиб бош устунга ёпишган ҳолда бўлмайди. Маълум бир юксакликка чиққандан кейин ўзларидан йирик-йирик шаҳобчалар ажратади-да, тўп бўлиб кўркам бирликни ҳосил қиладилар. Шу кўркам бирликдан катта маъно келиб чиқади. Лев Толстойнинг "Уруш ва тинчлик" эпосеясида Наташлар эшиги олдида ўсган кўркам Эман дарахтининг кенг тасвири бор. Шунинг узида катта санъат бор, рамзий маъно бор. Эҳтимол Лев Толстой тўрт жилдан иборат катта эпосеясини шу қудратли ва кўркам Эманга ўхшатмоқчи бўлгандир. Бу ерда гап жилдларнинг сонидан эмас, образларнинг миқдоридан ҳам эмас. Ўз тузилиши билан Эманни, Садақайрағочни эслатадиган кичикроқ роман ҳам бўлиши мумкин. Гап ёзувчи услубида, унинг эстетик қўламатида.

Айрим мақола ва ҳимоя қилинадиган диссертацияларда "Ўткан кунлар" ва "Кеча ва кундуз" романлари қиёсий таҳлил қилинади-да, маъно жиҳатидан бу икки роман бир-бирларига баробар қўйилади. Бундай хулоса ҳақиқатдан узоқ эмас, албатта.

жаҳолат, саводсизлик, ҳақ-ҳуқуқини танимаслик, кераксиз урф-одатлар натижасидаги фожеа. Бироқ бу маънони ташувчи образлар ҳар хил. Ҳатто улар бир-бирлари билан кўп ҳам дуч келавермайди, тўқнашувга боровермайди. Уларнинг ҳаракатлари ҳам ранг-баранг. "Ўткан кунлар"дагидек бир марказий ипга тизилган эмас.

Аксарият образлар ўзига хос маъно ташийдилар. Раззоқ сўфи -- ҳаётда ўзига муносиб ўрин топа олмайдиган муккасидан хурофотга берилган шахс. Зеби -- отадан меҳр кўрмаган, саводсиз, соддадил, ҳаётнинг чигалликлари ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаган қиз. Мингбоши -- гўл, саводсиз, мустамлакачилар томонидан тайинланган ва тутиб турилган мансабдор бир кимса. Мирёқуб -- асримиз бошларидега туғилиб ўсиб келаётган ишбилармонлар вакили. У омилкор, эгичил, чаққон. Бу ҳислатлари билан энг саводхон мустамлакачиларга ҳам чап беришга қодир. Мустамлакачилар вакили Ҳоким тўра ерли халқнинг соддадиллигидан фойдаланиб, халқнинг маънавий бойлигини талон-тарож қилишга, ахлоқсизлик касалини тарқатишга сабабчи бўлганлардан бири. Марям -- четдан келтирилган ахлоқсизлик қурбони. Эшон бобо -- саводи кам, онги паст кимсаларнинг марҳаматидан фойдаланиб кун ўтказадиган, ҳатто бойлик орттирадиган табақа вакили. Асарда бошқа яна бир қанча образлар борки, улар ҳам хилма-хилдирлар.

Шундай қилиб, "Ўткан кунлар"да барча образлар бир нуқтага жам бўлиб, даврни характерлайдиган катта фожеани кўрсатишга бўйсундирилган. Образ ва воқеалар ички ва ташқи белгилари билан шунга монанддир. "Кеча ва кундуз"да эса манзара бошқача. Ҳар бир образ ўзига хос мустақил маъно ташийди. Шу билан баробар асардаги умум маънони қабартиб кўрсатишга хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, аксарият образлар ўзларининг ташқи белгилари билан бир-бирларидан узоқ турадиларда, ички маъноси билан бир-бирларига яқинлашадилар. Бири иккинчисини изоҳлайди, тўлдирди, шу

аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Маънони ўша қахрамон моҳиятидан излаш лозим.

XX аср жаҳон адабиёти тарихида кўпгина янгиликлар пайдо бўлди. Шулардан бири рамзийликдир. Рамзийлик Фарба модернизм деб аталади. Хўш, бу хилдаги бадий асарларда маъно ташувчи образлар соф реалистик образлардан бирор жиҳатдан фарқ қиладими? Бизнингча йўқ! Улар орасидаги фарқ шартлиликдан иборат, холос.

Олтмишинчи йилларда колумбиялик ёзувчи Габриэль Гарсиа Маркес ўзининг "Елғизликнинг юз йили" номли романида бош характерлардан бири -- лўли Мелькиадесни руҳий образ қиёфасида кўрсатади. Мелькиадес олдин асарда реалистик шахс сифатида пайдо бўлади, кейин унинг Сингапур ботқоқликларидега ўлиб кетгани хусусида маълумот беради. Кейин у асарда яна пайдо бўлади. Бу гал руҳ сифатида. Образнинг маъноси шуки, у эл кезиб, қанчадан қанча юртларни кўриб, тирикчилик йўлида ҳар хил йўсиндаги "ихтиро"лар билан банд бўлади-да, олдий ва қоқоқ Колумбия қишлоқларидан бирида ўзининг "ихтиро"чилик қобилиятини Хосе Аркадио Буэндияга юқтиради. Ихтирочилик бўли учун кўпроқ тирикчилик манбаи бўлса, Буэндия учун ҳаётнинг асосий маъносига айланади. Бу икки образнинг маъноси шундан иборатки, инсон табиатан тараққиётга, янгиликни-га мойил. Бироқ қаерлардадир тараққиётнинг негизи бўлмиш ихтирочиликка кенг йўл очилган, дунёнинг қоқоқ бурчакларида эса бу йўлда қай даражада кунт қилинмасин, натижа чиқармайдир. Бу маънони ташувчи Хосе Аркадио Буэндия ўзининг ихтирочилигида қай даражада ҳаққоний бўлса, лўли образининг моҳияти ҳам шу даражада табиийдир. Бундан шундай хулоса чиқади: маънони ифода қилиш жиҳатидан соф реалистик образлар билан шартли равишда яратилган рамзий образлар баробардир.

Кейинги йилларда ўзбек адабиётини ҳам рамзий образлар асосида яратилadиган асарлар пай-



# ЎЗБЕКНИНГ ЎРИС ҚИЗИ

Иқтидорли эстрада хонандаси Лариса Москалева суратига чизгилар

Самарқандда утказилган "Шарқ тароналари" I-санъат фестивалида иштирок этди. У индонезияликлар раҳбарлигидаги оркестор жўрлигида ўзбекча "Майда" қўшиғини маҳорат билан ижро этиб, санъат ихлосмандлари олқишига сазовор бўлди. Ларисахоннинг репертуарида йигирмадан ортиқ ўзбекча қўшиқлар мавжуд. Улар орасида унинг ўзи яратган "Барибир севаман", "Боқий баҳорим", "Хайрлашув", "Йул олай", "Майда", "Баҳорим", "Дугоналар" каби қўшиқлари аллақачон мухлислар кўнглидан жой олган.

Ларисахонни эндиликда нафақат Ўзбекистонда, балки узга юртларда ҳам севиб тинглашади.

Хонандага хос бўлган ажойиб хислат — бу Ватанига, она юртига бўлган садоқати, битмас-туганмас муҳаббатидир. 1995 йилда Москва телевидениеси утказган "Тонг юлдузи" телетанловида голиб чиққанида, Ларисага Москвадаги номдор санъат муассасаси иш таклиф қилганида, у ўз она юртида қолишни, юртдошлари учун куйлашни афзал билди. Боз устига Ларисахон чет қишлоқларда, тўғриси айтганда, таниқли артистларнинг ҳаммаси боришни хушлайвермайдиган жойларда куйлаб, оддий кишиларнинг дилини хушнуд этишни кўпроқ истиайди.

Лариса Ялтада ўтган "Крим тонглари — 98" фестивалида қатнашиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Ушанда хонанда "Барибир севаман" ва "Майда-майда" қўшиқларини куйлаб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

— Ҳамма мукофотлар, совринлар мен учун қадрли — дей-

ди у. — Аммо энг қадрлиси утган йилги "Ўзбекистон — Ватаним маним" қўшиқлар курик-танловида эришган бош совринимдир. Чунки бу совринда мустақил она диёрим халқининг менга бўлган муҳаббати ва ишончи муҳрланган.

Оллоҳ таоло инъом этган қобилияти туфайли у кўп қўшиқларни узга миллат вакилларида да яхшироқ, жозибалироқ куйлайди. Жумладан, унинг репертуарида ҳозир элликдан ортиқ корейсча қўшиқлар мавжуд. Қизиги шундаки, 1994 йилда Тошкентда ўтган корейс қўшиқлари фестивалида корейс миллатига мансуб қўшиқчиларни ҳам ҳайратда қолдириб, биринчи ўринни эгаллади.

— Мен, — дейди Лариса, — ўзбек диёрида тугилиб ўсганимдан ниҳоятда бахтиёрман. Айниқса, республикамиз мустақиллиги туфайли турли курик-танловларда иштирок этиш шарафига муяссар бўлганимдан фахрланаман. Бунинг учун ҳукуратимиздан, йўлбошчимиздан миннатдор бўлсам арзийди.

Ларисахон ўзининг қўшиқчилик маҳоратини мунтазам такомиллаштира бориб, Ғани Холиқов, Шўхрат Носиров, Алишер Расулов, Артур Байдо, Денис Беляев ва Умид Холиқов каби бастакор-у музика сайқалловчилар билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. У тўғри келган матнни қўшиққа кучиравермайди. Шеър танлашга талабчанлик билан ёндашади. Шунданмикин, у бугунда юртимизга таниқли бўлган Нормурод Нарзуллаев, Иброҳим Жиянов, Сирожиддин Саййид каби шоирларимиз шеърларини мароқ билан куйламоқда.

Л. Москалева кейинги икки йил ичида омад пилла-пояларидан бир-бир босиб, қўшиқнинг сеҳрли оламида танилиб бормоқда. Шу йил Жиззахда ўтган республика эстрада қўшиқлари танловида фахрли учинчи ўринни эгаллади. Унга Жиззах вилояти ҳокимининг махсус мукофоти — Америкага йўлланмаси берилди. Пул мукофотини эса у болалар уйига ҳада қилди.

Яқинда эса унинг ҳаётида яна бир қувончли ҳодиса юз берди. Ларисахон Ўзбекистон телевидениесининг "Ёшлар" телеканали томонидан утказилган "Ўзбекистон XXI аср сари — Садо-99" музикаий танловида талабчан ҳакамлар ҳузурини "Қари наво" қўшиғини куйлаб, биринчи ўринни эгаллади.

— Барча муваффақиятларимда, — дейди Л. Москалева, — ҳам турмуш ўртоғим, ҳам продюсерим Фарҳод Жўраевнинг хизматлари беқиёсдир. Билмадим, агар у киши бўлмаганларида, санъатда шундай натижаларга эриша олармидим?..

Бу йил Лариса Москалева олдида Англияда бўлиб ўтадиган курик-танловда, Самарқанд шаҳрида утказилган "Шарқ тароналари" халқаро фестивалида иштирок этиш каби фахрли вазифалар турибди. Санъатда ўз бахтини топган, эл суйган қўшиқчига айланган Лариса Москалевага ижодий изла-нишларида зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Шавкат ЁҚУБОВ

## Дарёдан оқиб келади, шода-шода марварид, Рўпарамда ўтиради, қоши қора барно йигит...

Уни истеъдодли хонанда Ларисахон куйламоқда. Куйлаганда ҳам юракларни тўлқинлантириб, кишига хуш кайфият бағишламоқда.

Лариса Москалева тўғрисида ёзиш ҳам осон, ҳам қийин. Осонлиги шундаки, у ҳозирги кунда анча машҳур эстрада қўшиқчиси бўлиб, санъат шинавандалари назарига тушганига қарамай жуда оддий, содда, хушмуомала, табассуми майин аёл: Сиз билан осонгина суҳбатга кириша олади. Оғир жиҳати шуки, Ларисанинг қайси маҳоратини биринчи ўринга қўйиб ёзиш масаласи кундаланг туради олдингизда. У фақатгина истеъдодли санъаткор бўлибгина қолмай, балки баҳодир йигитларни ҳам ҳайратга соладиган моҳир ва машҳур таъвондочи, аёллар ичида спортнинг ана шу тури

бўйича биринчи Ўзбекистон чемпиони, "қора белбоғ" соҳибаси.

Латофатли ва кўринишидан нозик Лариса асли тошкентлик. Шу ерда ўсди, улғайди, таълим олди, тарбия топди. Болалигиданоқ музикага, қўшиққа ҳавас кўйди. Дастлабки музика саводини музика мактабининг виолончел синфида олган Л. Москалева санъатдаги фаолиятини Тошкентдаги Темирйўлчилар маданият саройи қошидаги "Сўзана" вокал ансамблида бошлади. Ушбу жамоада 3 йил иштирок этган бу жозибали қўшиқчи, Польшада ўтган поляк қўшиқлари танловида совриндор бўлди.

Тинмай изланиш, устозлари угитига қулоқ тутиш, улардан ўрганиш тез орада ўз самарасини бера бошлади.

У рус қизи бўлишига қарамай, саҳнада ўзбек ашулаларини ўзбек тилида талаффузини бузмай қойилмақом қилиб ижро этадики, кўпчилик ўзбек хонандалари ҳам бунга тан беришади. Лариса 1997 йили

## СОҲИЛДАТЧИ СУЛУВ КЕЛМАС ХАЁЛДАН

### БАҲОР НЕҒА КАМ ЯШАР

Чексиз олам узра чаман-гул тақиб,  
Қалбларга оромбахш кўнади баҳор.  
Кундузи офтобга айланиб боқиб,  
Тунда оймомога дўнади баҳор.

Толган билаларга у ғайрат бўлар,  
Оташ юракларда мавжланган тугён.  
Аёл сулувланиб, эр кучга тўлар  
Навбахор оламда бўлса ҳукмрон.

Нечоғ кўмсамайин, нечоғ рад этмай,  
Бизга борлиқ эмас, кўкларимиз нафаи.  
Бу Тангри инъоми кимга бахт этмай,  
Ҳаммага етарли унинг сафоси.

Минг афсус, ҳаётда баҳор кам яшар,  
Тезда чоғлаб дилин, тезда кетади.  
Келса музлар эриб, кўнгалар тошар,  
Кетса гар одамнинг умри ўтади!..

Хаёли тортмоқ-чун жоним ўзинга,  
Ҳар кун турфа ранг кўйлак киярдинг.  
Дадил боқолмасам олов кўзинга,  
Сен буни ким билсин нега йўлардинг.  
Кўйлақлар қачонлар бўлган фаромуш;  
Қанча уйласам ҳам келмас хаёлга.  
Бироқ илк кўрганам соҳилда хомуш,  
Соҳилда кўрганам кетмас хаёдан.

### ДУНЁГА КЕЛДИК БИЗ...

Дунёга келдик биз айни вақтида,  
Ҳимоя этмоққа инсониятни.  
Умрлар ўтмасин гамнинг кафтида,  
Урушлар ўтмасин эзгу ниятни.

Бу ҳам бир зарурат дунёга келиб,  
Барҳам бермоқдамиз уруш хавфига.  
Тинчликни дунёга зарур деб билиб,  
Қалбимизда тинчлик қулфига.

Тинчликни гул каби ёйиб оламга,  
Заминни ўқлардан қолгаймиз асраб.  
Баҳордай ёқимли, ҳар бир одамга  
Тинчлик элтмоқ ҳам толе-бахт, шараф!..

\*\*\*

Жимирларми дея кутяпман,  
Кўмсаганим кўрмаганимдан.  
Келмасингдан ҳали титрайпман,  
Титраганим севинганимдан.  
Келгин тезроқ, туйғу бўлиб кел,  
Жимир-жимир жимирласин қалб.  
Машаққат ё ором бўлиб кел,  
Келгин фақат, келгин муҳаббат!..

ДАВЛАТМУРОД

## "ШЕЪРИЯТ САБОҚЛАРИ"ДА

Газетамиз қошида ташкил этилган "Шеъринг сабоқлари" мактабининг навбатдаги машғулоти бўлди. Унда шеърингта илк қадам қўяётган, истеъдодли ёшлар таниқли шоир Рауф Парфи билан учрашишди.

Машғулоти ижодкорларнинг баё-мунозаралари остида ўтди. Ёшларнинг асарлари таҳлил қилинди.

Учрашув сўнггида ҳар бир иштирокчи ўз шеърларидан намуналар ўқиб, у ҳақидаги устознинг фикр ва мулоҳазаларидан баҳраманд бўлди.

Машғулоти хусусида ёшлар шундай фикр билдирди.

Дилдора ЗУБАЙДОВА, ТошДУ журналистика факультети талабаси:

— Тўғриси айтсам, бугунги машғулоти менга жуда ёқди. Мактабда ўқиб юрган пайтларимда, қанийди таниқли шоирлар билан учрашсам, армоним бўлмасди, деб орзу қилардим. "Шеъринг сабоқлари" мактаби орқали орзумга етдим. Шеърингта кириб келаётган биздай ижодкорларни бирлаштириш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш — савобли иш.

Шерали НИШОНОВ, ТошДПУ талабаси:

— Мен ушбу мактабининг доимий мухлиси ва қатнашувчисиман. Бугунги сабоғимиз шундай қизиқарли ўтдики, буни сўз билан ифодалашим қийин. Буни ҳеч қачон ёдимдан чиқармасам керак.

Ўлмас ХОЛМУМИНОВ, ТошДПУ талабаси:

— Бугунги машғулоти биз ижодкорларда анча яхши таассурот қолдирди. Мен шундай машғулотлар тўхтаб қолмаслигини жуда хоҳлардим. Мен бу мактабининг мунтазам қатнашчисиман. Ҳар бир машғулотни сабрсизлик билан кутаман.

Дарҳақиқат, шеъринг мактабининг сабоқлари ёш ижодкорлар, шеъринг мухлислари қалбидан жой олаётган экан, биз таҳририят ходимлари бундан хурсандимиз. Зеро, бир нарсга амин бўлдикки, мактаб фаолияти тўхтаб қолмайди. Унинг сабоқлари билан ижодкорларни ўзига тортаверади. Газетамизнинг кейинги сонларида эса ёш ижодкорларимизнинг шеърлари билан танишиб борасиз.

Зиёда АШУРОВА

# КУРАШЛАРИНГ КЎПАЙСИН КУРАШ

Бугун мамлакатимиз пойтахти Тошкентда дунёнинг 50 дан ортиқ мамлакатидан ташриф буюрган, 500 га яқин полвонлар иштирокида кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати бошланди. Биз мусобақа ўтказилажак «Жар» спорт мажмуасида ким билан суҳбатда бўлмайлик ота-боболаримиз мардлик ўйини -- курашнинг йирик мусобақа тарзида ўтказилишидан мамну эканликларини билдиришди.

**Нурмуҳаммад ЮСУПОВ, Бухоро вилояти, Қорақўл тумани касабаяушмалари кўмитаси раиси, кураш бўйича етакчи мутахассис:**

-- Хабарингиз бўлса, жаҳон чемпионати учта вазн тоифасидаги полвонлар ўртасида ўтказилади. Мазкур мусобақада юртимиз шаънини ўндан зиёд полвонларимиз ҳимоя қилади. Шу кунгача уларнинг барчаси асосий тайёргарлик машғулотларини ниҳоясига етказди.

**Кайси полвонларимиз майдонга тушиши мўлжалланмоқда?**

-- Эрали Маҳмарасулов, Махтумқули Маҳмудов, Тоштемир Муҳаммадиев, Ақобир Қурбонов, Камол Муродов, Маҳмарасул Тошев, Армен Богдасаров ва бошқалар қатнашадилар. Уларнинг барчаси катта тажрибага эга бўлиб, бир қатор йирик мусобақаларда яхши натижаларни қўлга киритишган. Лекин мутахассислар томонидан Баҳром Авезов, Махтумқули

Маҳмудов, Эрали Маҳмарасулов, Шухрат Хўжаевларнинг қолиб бўлишига ишонч кўпроқ билдириляпти. Янаям холис баҳони ҳакамлар айтишади, қолаверса бўлиб ўтадиган ўйинлар кўрсатади.

**Нурмуҳаммад ака, ўзбек курашини бошқа давлат спортчилари қандай қарши оларкин? Масалан японлар дзюдога кўниккан. Ҳар қалай дзюдо ёки самбо билан кураш ўртасида фарқ бўлса керак?**

-- Ўзбек кураши ниҳоятда содда, беғубор. Шунинг учун ҳам жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари курашимизга ўзгача қизиқиш билан қарашаяпти. Кураш кишига ҳеч қандай оғир зарар етказмайди. Усуллари жудаям оддий. Агар рақибингизнинг иягини ерга текказсангиз -- ҳалол, бир елкаси ерга тегса -- чала, ёнбош йиқитсангиз -- ёнбош, дея баҳоланади. Сезган бўлсангиз кураш ўйинида биров-биронинг бўйнидан бўғмайди, қорнидан тепмайди. Ҳозирнинг ўзидаёқ айрим дзю-дочи, самбочиларнинг курашга ўтаётганлиги бунга яққол далилдир. Айнаман мана

шу кураш ҳали ўзбек халқининг овозини етти иқлимга ёяди.


**Алишер НОРБОЕВ, "Кураш" бўйича терма жамоа мураббийси:**

-- Истиқлол биз курашчиларнинг ҳам азалий орзуларимиз ушалишига замин тайёрлади. Бевосита мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг савб-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон спортчи-

лари жаҳон билан юзлашиш бахтига мушарраф бўлдилар. Дунёнинг мана-ман деган давлат вакиллари ҳам мамлакатимизда спортга берилаётган эътибордан мамнунлигини фахр билан тилга олишди. Курашимизга олис мамлакат спортчилари зўр қизиқиш билан қараётганлиги бунга далилдир. Энг муҳими, биз жуда қисқа фурсат ичида

-- атиги етти йилда миллий курашимизни жаҳон сахнига олиб чиқдик. Ахир японлар дзюдосини қирқ йилда юзга чиқармадимми? Қайси мамлакатда ўтказилган дзюдо, самбо мусобақаларида 50 дан ортиқ давлат спортчилари иштирок этганлигини эшитгансиз? Бунақаси бўлмаган менимча. Демак, бу курашнинг ниҳоятда ҳаммабоп бўлиб бораётганлигидан десак адашмаймиз.

**«Туркистон» мухбири Рўзибой АЗИМ**



## МАРД МАЙДОНДА СИНАПАДИ

**Олим Худойкулов -- сурхондарёлик, вазни 81 кг. 18 ёшда. Касаба уюшмалари кўнгилли спорт жамияти марказий кенгаши биринчилиги қолиби:**

-- Мен каби ёшларга республикамизнинг спорт юлдузлари билан озгина бўлса ҳам бирга машқ қилиш -- бахт. Ўқув йигинларида катта полвонларнинг машғулотларга муносабати, ўзларини тутиши, маҳоратини диққат билан кузатдик. Билмаганимизни ўргандик. Узтозларнинг тарбиясини олиш насиб қилганлигидан жуда хурсандман. Насиб этса ўшалардай бўлиш ниятим бор.

**Самад Рустамов -- 1969 йилда туғилган. Бухородан. Спорт устаси, вазни 106 кг. Қўл жанги бўйича беш марта Ўзбекистон чемпиони:**

-- Полвон ор учун курашиши керак. Полвон курашсин, ютсин, уни рағбатлантириш халққа ҳавола.

Мустақиллик ўзбек курашини дунёга олиб чиқди. Бу чемпионат ҳам шунинг исботи. Полвон учун гиламга чиқиш, даврада олишишнинг ўзи катта бахт. Бу ҳар қандай полвонга ҳам завқ беради.

**Муҳиддин Маҳмудов, 18 ёшда, вазни 90 кг. Бир неча ёшлар мусобақалари совриндори:**

-- Паҳлавон Маҳмудлар етишиб чиққан юртимизда кўплаб аждодларимиз хотирасига бағишланган мусобақалар ўтказилаётганидан биз ёшлар беҳад хурсандимиз. Миллий курашимиз бўйича жаҳон чемпионатининг ўтказилиши биз учун катта шараф. Чунки, курашимиз ўзи билан бирга дунёга тарихимиз, маданиятимизни ҳам олиб чиқади.

**Элбек ОРИПОВ -- қашқадарёлик, 22 ёшда. Дзюдо бўйича бир неча чет давлатларда бўлган мусобақалар иштирокчиси:**

-- Ҳозирда кенг тарқалган дзюдо кураши тарихи 120-130 йилга тақалади. Бизнинг курашимиз тарихи эса 2000 йилдан ошади.

Бироқ, афсуски биз ҳалигача курашимизни дунёга олиб чиқолмаганимиз. Шўқри, етти йиллик мустақиллик даврида кўп ишларни қилдик. Бу чемпионатда ўзбек курашчилари нималарга қодир эканлигини дунё яна бир бор кўриб кўйсин.

Мен доим гиламга тушаётганимда ҳаёлимга амаким Абдулла Ориповнинг гаплари келади. У киши: "Мен халқимга оз бўлса-да хизмат қилдим, сен ҳам ўз ҳиссангни қўш!" дейди. Шу гапларнинг ўзи менга яна куч-қувват бағишлайди. Ҳамиша олдинга томон ҳаракат қилишга ундайди.

**«Туркистон» мухбири Хуршид РЎЗИЕВ тайёрлади**

## ҒУҒУҒ

*Ўзбекининг полвони, Алломиш насли Эрали, Баҳром-у, Махтумқулилар. Шер бўлиб турганда майдонда асли Паҳлавон Маҳмуднинг руҳлари қўллар.*

*Даврада чўғ бўлиб ёниб кетарлар, Рақибин олдида ботир юраги Ор учун майдонга чиқишар улар, Ерни ялаб ўтмас ҳатто кураги.*

*Ўзидек шерларнинг зўрлари билан Берилиб курашса ҳузур қилади. Алломиш келбатли гавдаси билан Майдонга чиқишни гурур билади.*

**Ғофур ЖАБИЕВ, ТошДУ талабаси**

Ҳаётда илм-фан, маърифат, маданият соҳасининг шундай намояндалари борки, улар ўзларига тортиқ қилинган умрнинг ҳар лаҳзасини Ватанимиз истиқболи учун бағишлайди. Ўзбекистон ҳамда Нью-Йорк Фанлар Академияларининг академиги, республикамизда ядро физикаси асосчиларидан бири Раҳим Бекжонов ана шундай қайноқ қалбли инсон, ажойиб олим, меҳрибон устоздир.

Раҳим Бекжоновнинг ядро физикасини ривожлантириш, юқори малакали физик-мутахассисларни тайёрлаш, ўқитиш жараёнларини такомиллаштириш, фан ютуқларини фаол оммалаштиришдаги хизматлари, физикадан атомшуносликнинг шаклланиши ва тараққиётидаги йирик ҳиссалари ҳамда олий

билимгоҳлар учун биринчи ёзган ўқув қўлланмалари, ўрта мактаб ўқувчиларига аталган замонавий дарсликлари, ядро физикасининг эришган муваффақиятлари ва долзарб муаммоларини таҳлил этувчи оригинал монография ҳамда маълумотлари аллақачон тан олинган.

Олим фан ютуқларини кенг ўқувчилар оммасига мураккаб математик ифодалар ёрдамисиз, тушунарли тилда ҳаммага ўрнак бўладиган даражада маҳорат билан етказа билади.

Шуни ҳам таъкидлаб утиш керакки, кейинги йигирма йилдан ортиқроқ вақт мобайнида ўзбек китобхонлари Раҳим

Бекжонов қаламига мансуб физика фанини урганишнинг янги услубларини шакллантиришга муҳим таъсир кўрсатган қатор ажойиб дарсликларга эга бўлдилар. Мазкур муаммолар мамлакатимизда физикани

ўқитиш услубини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган олимнинг ҳамиша диққат эътиборида бўлган.

Ҳозирги кунга келиб ядро физикаси атом ядросининг тадқиқотларига боғлиқ бўлган энг муҳим илмий йўналишлар

қаторига кирди. У кўп йиллар давомида мавжуд бўлишига қарамай, кейинги 30 йилни унинг ҳақиқий янгидан туғилиши, тикланиши даври деб қабул қилиш мумкин. Бунинг асосий сабаби янги техниканинг яратилиши ва айниқса, ядро нурланишини қайд қилиш услубларининг такомиллашиши

ва атом реакторлари ҳамда зарралар тезлаткичлари сонининг ортишидир. Раҳим Бекжоновнинг илмий асарлари Ўзбекистон олимларининг ядро физикаси соҳасидаги ютуқларини чет элларга кўрсатиш, шунингдек

атом ядро физикаси оид илмий назарияларни республикамизда оммалаштириш мақсадида ёзилган.

Хулоса қилиб айтганда, Р. Бекжоновнинг Ўзбекистонда ядро физикасининг ривожланиш тарихига оид биринчи бўлган "Атом ядроси ва зарралар физикаси" номли китоби ёшлар ва мутахассислар учун тажрибавий ва назарий ядро физикасининг устивор муаммоларини белгилашда сўзсиз фойдали бўлади ва умуман, атом ядроси физикасининг ривожланишига олимнинг қўшган катта ҳиссасидир.

**М. Жўраев, педагогика фанлари доктори. Ж. Камолов, доцент, педагогика фанлари номзоди**

## БИР ИНСОН УМРИ

### Ёшларнинг устозлари

**О Л М А-О Т А. ПАТА-ТАСС** ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда маълум қилинишича, Қозоғистон ҳарбий суди давлат хавфсизлиги қўмитаси раҳбарининг собиқ ўринбосари Раис Хадеевни ватанга хиёнат қилганликда айбдор деб топиб, уни 10 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Суд жараёни давомида Р.Хадеевнинг хориждаги махсус хизмат вакиллари билан алоқада бўлиб, уларга давлат аҳамиятига молик махфий маълумотларни етказиб турганлиги тўла исботланди.

**С У Х У М И.** Бу ерда Грузия-Абхазия муносабатларидаги можароларни ҳал этиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг саккизинчи сессияси бўлиб ўтди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳнамолиги остида ўтказилган ушбу талбирда ўзаро ўт очмаслик, минтақавий хавфсизлик, гаровга олинганларни қайтариш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

**Ф А З О.** Фаластин озодлик ташкилоти марказий кенгаши ўзининг навбатдан ташқари йиғилишида 4 май куни мустақиллик эълон қилмасликка қарор қилди.

Бир неча кун муқаддам, Фаластин раҳбари Ёсир Арафотнинг қатор мамлакатлар бўйлаб сафари ниҳоясига етган бўлишига қарамай, бу масала ҳамон ноаниқ эди. Чунки Ё.Арафот маслаҳатланган давлатлар раҳбарларининг кўпчилиги унга талбирни кечиктириб туришни маслаҳат берганди. Сабаби, Исроилда жорий йилнинг 17 май куни парламент сайловлари ўтказилиши кутилмоқда ва уларда мухторият мустақиллигига қарши кучлар ҳам иштирок этади. Агар шу кучлар сайловларда енгиб чиққудек бўлса, Фаластин ва умуман Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш муаммосининг ечими янада қўзилиб кетиши мумкин.

Фаластин миллий маъмурияти вакиллари шунинг ҳисобга олган кўринади, йиғилишда мустақилликни Исроилдаги сайловлардан кейин, июнь ойида эълон қилишга келишиб олинди.

**В А Р Ш А В А.** Германия канцлери Герхард Шрёдер Польшага келди. У ташриф давомида Польша президенти Александер Квасневский билан учрашди. Музокараларда томонлар икки мамлакат ўртасида ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш, НАТО доирасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳамда Косово можаросини тинч йўл билан бартараф қилиш борасида фикр алмашди.

Шунингдек, Г.Шрёдер Польша Бош вазири Ежи Бузек, ташқи, мудофаа ва иқтисод вазирлари иштирокида ўтадиган Польша-Германия ҳукуматлараро мажлисида ҳам иштирок этади.

**П Р А Г А.** Македониядаги косоволик қочқинларнинг биринчи гуруҳи Чехияга келди. Улар 115 нафар бўлиб, Брно шаҳрида қочқинлар учун махсус тайёрланган уйлارга жойлаштирилди.

Чехия ички ишлар вазирлиги вакилининг айтишича, мамлакат ҳукумати қочқинларга қулай шарт-шароит яратиш юзасидан тегишли вазирликларга кўрсатма берди. Шунингдек, Чехиядаги инсонпарварлик ташкилотлари ҳам бу ишларга жалб қилинди. Жумладан, Чехия Қизил хоч жамияти қочқинларга тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида ўз ходимларини Брно шаҳрига жўнатди.

**И В А Н О В О.** Россиянинг Иваново вилоятида жорий йилда 7800 маротаба жиноят содир бўлди, деб хабар беради ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси. Бу ўтган йилнинг шу давр ичида бўлган жиноятлар сонига қараганда қирқ фоизга кўп.

Иваново вилояти ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Александр Масловнинг айтишича, ўтган йилга қараганда жорий йилда оғир жиноятлар сони олтинчи фоизга ўсган. 1998 йилнинг августда молиявий қийинчиликлар туфайли ички ишлар хизматчилари сонининг қисқариши жиноятчиликнинг кескин кўпайишига сабаб бўлди, деди А.Маслов.

## КОМОР: МОЖАРОЛАР БАРҲАМ ТОПМОҚДА

Комор ороллари Федерал Ислом Республикасидаги нотинчликни барқарорлаштириш юзасидан Африка Бирлиги Ташкилоти /АБТ/ томонидан Мадагаскар пойтахти Антананаривуда ўтказилган анжуман ниҳоясига етди.

Тарихга назар ташласак, Францияга қарам бўлган Комор ороллари 1975 йили мустақил бўлган. Лекин ўша пайтларда тўрт оролдан бири, яъни Майотта аҳолиси французлар қарамоғида қолишни афзал кўрди. Анжунан, Мохели ва Гранд-Комор ороллари шунча йилдан буён сиёсий беқарорлик ва иқтисодий инқирозларни бошдан кечириб келди.

АБТ ўтказган анжуманга сабаб бўлган можаро 1997



йилнинг август ойларида бошланганди. Ушанда Анжунан ороли аҳолисининг аксарияти Федерал Ислом Республикасида ажралиб, Франция қарамоғига қайтиш истаги билан чиқди. Оролни ўз қўлида сақлаб қолмоқчи бўлган ҳукумат Анжунанга ҳарбийларни киритса-да, бу наф бермади. Десантчиларнинг ҳужумини қайтарган айирмачилар референдум ўтказиб, тез орада мустақиллик эълон қилиб юборди.

Мохели ороли ҳам федерациядан ажралиб чиқишни лозим топди. Республика раҳбарияти оролларнинг мустақиллигини тан олмасдан, уларни куч билан босиришга ҳаракат қилди. Шундан буён томонлар бир бирлари билан келиша олмайди. Оролларнинг ўзида ҳам сиёсий гуруҳларга бўлинишлар юз берди. Ҳатто ўтган йилнинг охирига келиб Анжунанда икки айирмачи гуруҳ ўртасида қуроли тўқнашувлар авж олиб кетди. Натижада ўнлаб кишилар қурбон бўлди, юзлаб тинч аҳоли мамлакатнинг асосий ороли - Гранд-Коморга қочиб кетишга мажбур бўлди.

АБТнинг вазиятни юмшатиш борасидаги барча ҳатти-ҳаракатлари самарасиз яқунланаётган эди. Шу йилнинг апрель ойи бошларида Комор Республикаси ташқи ишлар вазири Нидхиом Атуманенинг айирмачилар мамлакатдаги асосий орол - Гранд-Комор делегацияси билан АБТ шафёлигида Мадагаскар пойтахтида ўтказилиши режалаштирилган музокараларда иштирок этишга розилик берганини билдирди. Бу можаро тинч йўл билан ҳал этилишига умид уйғотди.

19 апрель куни Антананариву шаҳрида бошланган анжуманга Комор можароларида иштирок этаётган барча томонлар делегациялари, шунингдек, БМТ, Европа Иттифоқи ва Араб давлатлари лигаси вакиллари етиб келди.

Бир неча кун давом этган анжуман муваффақиятли яқунланди, дейиш мумкин. Гранд-Комор ва Мохели ороллари вакиллари Комор ороллари уюшмаси мавқеига эга бўлган янги ҳукумат тузилишига конституциявий асос бўлиб хизмат қиладиган ҳужжатларни имзолади.

Айирмачиликда етакчилик қилган Анжунан ороли вакиллари аҳоли билан «маслаҳатлаштириш» лозимлигини уқтирди.

Агар вазият шу йўсинда давом этса, Антананариву декларациясига биноан, мудофаа, ташқи ишлар, молия ва таълим-тарбия каби масалалар марказий ҳукумат зиммасида бўлади.

Президент вазифаси ва вазирлар маҳкамаси таркиби ҳар уч йилда навбат билан ороллардан бирининг вакилларига ўтиб туради. Янги ҳукумат тузиш учун бир йил муддат белгиланган.

**Зоҳир ТОШҲҲАЕВ,**  
Ўза шарҳловчиси

**Т О К И О.** «Катта саккизлик» мамлакатларининг олий даражадаги учрашуви 2000 йили Японияда бўлиб ўтади. Бу ҳақда Япония ҳукумати раҳбари Кэйдзо Обути қарор қабул қилди.

К.Обутининг таклифига биноан, «катта саккизлик» сафига кирувчи мамлакатлар раҳбарларининг учрашуви Окинавада, молия ва ташқи ишлар вазирлари даражасидаги учрашувлар эса Фукуоке ва Миядзакида бўлиб ўтади.

Шу пайтга қадар Японияда «катта саккизлик»нинг кенгаши уч маротаба, яъни 1979, 1986 ва 1993 йиллари ўтказилган. Уларнинг барчаси Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтган эди.

X X X

**П Н О М П Е Н.** Камбожа парламенти пиёда аскарларга қарши қўлланиладиган миналардан фойдаланишни таъқиқлаш тўғрисидаги қонунни маъқулади.

Камбожа миналардан тозалаш маркази бошлиғи Ленг Моулининг таъкидлашича, мазкур қонун мамлакат учун ўта муҳим бўлиб, у аҳоли ўртасидаги бевақт ўлимнинг камайишига ва моддий йўқотишларнинг ҳам маълум даражада олди олинишига хизмат қилади.

Сўнгги йилларда Камбожада миналардан фойдаланишни таъқиқлаш ва ундан тозалаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Уларнинг натижаси ўлароқ, мамлакатда миналар портлаши туфайли жароҳатланаётганлар сони ойига 150 тадан 50 тагача камайган.

X X X

**Х А Н О Й.** Бу ерда АСЕАНга аъзо мамлакатларнинг полиция хизмати раҳбарлари даражасидаги кенгаш бўлиб ўтди. Учрашувда жиноятчиликка қарши кураш бўйича ҳамкорлик қилишга келишиб олинди. Шунингдек, кенгаш иштирокчилари кадрлар тайёрлаш, ахборот алманиш ҳамда наркотик моддалар контрабанда-си, савдо ва молия соҳасидаги жиноятчилик, қалбаки паспорт ва валюта ишлаб чиқарувчиларга қарши кураш масалалари юзасидан ҳам фикр алмашди.

X X X

**Т О К И О.** 29 апрель куни Япония бош вазири Кэйдзо Обутининг АҚШга етти кунлик расмий ташрифи бошланди. К.Обути АҚШ президенти Билл Клинтон ва бошқа расмий кишилар билан учрашди. Учрашувларда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқалар, Югославиядаги сиёсий вазият ва Корея яриморолари муаммолари хусусида фикр алмашилади. Бундан ташқари, К.Обути АҚШнинг бир неча штатларида бўлиб, маҳаллий ишбилармонлар билан ҳам учрашди.


X X X

**А Б У - Д А Б И.** ПАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарда ёзилишича, Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати қуроли бўлинмалари мамлакатнинг Бамиан вилояти маъмурий марказини қўлга киритиш учун рақибларига қарши ҳужумга ўтди. Маълумки, бундан бир ҳафта илгари толибларга қарши коалицион кучлар Бамиан шаҳрини қўлга киритган эди.

Айни пайтда Бамиандан 30 километр узоқликда «Толибон» ҳаракати билан коалицион кучлар ўртасида қаттиқ жанглар кетмоқда.

Сўнгги маълумотларга қараганда, жангларда толиблар жанговар самолёт ва вертолётлардан фойдаланиши натижасида тинч аҳолидан 30 дан зиёд киши қурбон бўлган, 50 нафар киши жароҳатланган.

/Ўза/



## БОШҚОТИРМА

**БҲЙИГА:** 1. Қадимда савдо билан шуғулланувчи кишиларнинг номланиши. 2. Битта, якка. 3. Шимол-Америкада учрайдиган сут эмизувчи мўйнали ҳайвон. 4. Ёш ҳинд актёри. 5. Ишга кириш вақтида талаб қилинадиган ёзма ҳужжат. 6. XVI-XVII асрларда яшаб ижод этган фан ва маданиятнинг машҳур намоёндаларидан бири Саъдулло..... Самарқандий. 10. Сурхондарёда Афғонистон билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхона. 11. IX асрдаги давлат пойтахти. 12. Бирор бир воқеага яхши-ёмон томондан фикр билдириш. 14. Араб истилосига қарши кураш олиб борган тарихий шахс. 15. Андижон вилоятидаги шаҳар. 23. Маълум бир фанни мукамал ўрганган киши, олим. 24. Ақли заиф, эсираст. 26. «Алпомиш» достонидаги образ. 30. Аёллар пойафзали. 31. Россиядаги катта дарё. 33. Қадимдаги уй-рўзгор анжومي. 34. Ҳинд аёлларининг миллий либоси.

**ЭНИГА:** 7. Фарғона водийсидаги қадимги шаҳар. 8. Фарғона вилоятидаги шаҳар. 9. Давлат тизимлари туридан бири. 13. Жанубий Америкада яшовчи мушуксимонлар оиласига мансуб ҳайвон. 16. Жонсиз тана, жасад. 17. Суворовнинг шогирди ва сафдоши бўлган саркарда. 18. Бошоқли экин. 19. Ўз аксини кўришда қўлланиладиган жиҳоз. 20. Севги мадҳ этилган асар. 21. Очқўз, яхшиликка ёмонлик билан жавоб берувчи киши. 22. Қадимда Машриқ деб аталган томоннинг ҳозирги номи. 25. Тошкентдаги аудиторлик фирмасининг қисқартма номи. 27. Қадимда «Андукон» деб номланган шаҳарнинг ҳозирги номи. 28. Франциянинг озодлиги учун курашган подачи қиз. 29. Германиянинг «собиқ» пул бирлиги. 32. Республика газеталаридан бири. 35. «Пахтакор» командасининг энг кўзга кўринган уйинчиси. 36. Улуғбек мадрасаси жойлашган майдон.

Тузувчи **О.АБДУЛЛАЕВА**

## Фестиваль доирасида

Тошкентда «Илҳом-XX» замонавий мусиқа ва театр тўртинчи халқаро фестивали давом этмоқда. Ўзбекистон бастакорлар уюшмасида ана шу анжуман доирасида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда мамлакатимиз санъаткорлари билан бир қаторда, фестивалнинг хорижий меҳмонлари — Озарбойжон, Мўғилистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон вакиллари иштирок этди. Улар замонавий мусиқа муаммолари, ҳозирги мусиқанинг ривожини, истиқболи тўғрисида фикр юритдилар. Меҳмонлар мустақил Ўзбекистонда санъат раўнақига катта эътибор берилаётганлиги, ўтказилаётган кўплаб мусиқий тадбирлар, жумладан, мазкур фестивал шундан далолат эканини таъкидладилар.

Давра суҳбати сўнггида мўғилистонлик санъатшунос Энхизпэг Данзангийн ва бастакор Монхболд Бирваа халқ анъанавий ижодиётдан намуналар намойиш этди.

(УзА)

## ПУГАЧЕВАНИНГ ЭРАРИ

Машҳур эстрада юлдузи Алла Пугачева Москвадаги муҳташам «Метропол» ресторанида таваллудининг ярим асрлигини нишонлади. Хонандани кутлуғ ёши билан муборакбод этиш учун Россиянинг энг таниқли кишилари қатори ҳозирги эри Филипп Киркоровдан ташқари собиқ эрлари Орбакас, Болдин жаноблари ҳам муборакбод этдилар. Фақат иккинчи эри жаноб Стефанович негадир иштирок этмади. Тантананда гул-гул ёниб юрган Алла Пугачева тадбир иштирокчиларига миннатдорчилик билдирар экан, орқасида узун-қисқа бўлиб турган ҳозирги ва собиқ эрларига маъноли қараб қўйиб:

-- Агар мана шу саҳнага менин барча маъшукларим чиққанида, саҳна торлик қилиб, синиб кетган бўлар эди, деди.

## МУЗИКАЛАР ЭРИМОҚДА

Заминимиз жуда тез суръатда илимоқда. Ернинг сунъий йўлдошларидан олинган суратларга қараганда «Лорсен-Б» ва «Ул-кис» деб номланган улкан музликлар йил сайин эримоқда. Утган йили уларнинг сатҳи 3 минг квадрат чақиримга камайди. Илгари шунча майдондаги музликларнинг эриши учун 10 йил вақт кетган эди.

## МИТТИ ТЕЛЕФОН

Дунё бозорида миттигина - билакузук ҳажмидаги телефонлар сотилаяпти. Уларнинг вазни 37,5 грамм бўлиб, Наганода ўтказилган қишқи Олимпия ўйинларида синаб кўрилди.

Бундай телефонларда рақам териш учун босиш тугмачалари йўқ. Сизга рақам керак бўлса, овоз чиқариб айтсангиз, ақлли машина тезда илғаб олиб, зарур кишингизни телефонда улаб беради.


## Кўнгузлар самодан сўзлайди

(3 майдан - 9 майгача)

**ҲАМАЛ.** Душанбада кўнгилли харид қиласиз. Сешанба куни соғлигингизга эътибор беринг. Чоршанбада кайфиятингиз аъло. Пайшанба самарали ижод учун қулай кун. Жумада ҳаменингиз тўлади. Шанбадан хушхабар кутинг. Якшанба яқинларингиз даврасида ўтади.

**САВР.** Ҳафта бошида алданиб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Сешанбада сизни сўроқлашади. Чоршанбада асабийлашманг. Пайшанба куни сизни рағбатлантиришади. Жума режаларни амалга ошириш учун омадли кун. Шанбада атрофдагилар билан яхши муносабатда бўлишга ҳаракат қилинг.

**ЖАВЗО.** Душанба сизга омад келтиради. Сешанба ижод куни. Чоршанбада хушхабар эшитасиз. Пайшанба куни ишларингиз ўнгидан келади. Жума битимлар тузиш учун қулай. Шанбадан янгиликлар кутинг. Якшанбада қилган харидингиз онла-аъзоларингизни қувонтиради.



**САРАТОН.** Ҳафта боши биров кўнгилсизликлар билан бошланса-да, тушкунликка тушманг, сешанбадаги учрашув кайфиятингизни кўтаради. Чоршанбадан кўнгироқ кутинг. Пайшанбада молиявий аҳволингиз яхшиланади. Жума ижодкорлар куни. Дам олиш кунлари яқин одамлар даврасида бўласиз.

**АСАД.** Душанбада соғлигингиз ҳақида қайғуринг. Сешанба куни сизни сўроқлашади. Чоршанба омадли кун. Пайшанбада молиявий аҳволингиз яхшиланади. Жума ва якшанбада эса қоларли учрашув. Шанба кўнгилдагидек ўтади.

**СУНБУЛА.** Ҳафта бошида муҳим ишларга қўл урманг. Сешанбада бой бўласиз. Пайшанбадан хушхабар кутинг. Шанба куни яқинингиз билан дийдорлашасиз. Жума куни ҳаммаси о'кей. Якшанба ижод учун қулай.

**МЕЗОН.** Кўнгилли харид учун душанбани танланг. Сешанбада яқин кишингиз билан дийдорлашасиз. Чоршанба куни сизни сўроқлашади. Пайшанба куни тақдирланишингиз мумкин. Жумада ҳамкорлар учрашув. Шанба режадаги ишларингизни амалга ошириш учун қулай. Якшанба куни дам олинг.

**АҚРАБ.** Ҳафта бошидаги кўнгилсизликлар сабабини ўзингиздан ахтаринг. Чоршанба хайрли кун. Пайшанба куни сизни сўроқлашади. Жумада ҳаменингиз тўлади. Шанба сермахсул кун. Якшанба дўстлар даврасида ўтади.

**ҚАВС.** Душанбада ўзингизни эҳтиёт қилинг. Сешанба ва пайшанба кунлари молиявий аҳволингиз яхшиланади. Чоршанбада зиддиятлардан йироқ юринг. Жума ва якшанба кунлари кўнгилли ўтади.

**ЖАДИ.** Ҳафта кўнгилдагидек бошланмасада, сешанба, чоршанба кунлари хордигингиз чиқади. Пайшанба битимлар тузиш учун омадли. Жумадан кўнгироқ кутинг. Дам олиш кунлари мириқиб дам олинг.

**ДАЛВ.** Душанба ва пайшанба кунлари сиз кутган учрашувлар. Сешанбада ишнингиз бароридан келади, чоршанбада сизни эслашади. Жума куни алданиб қолманг. Шанбада хушхабар эшитасиз. Якшанба куни яхши дам, меҳнатта ҳамдам эканлигини унутманг.

**ХУТ.** Душанба ва чоршанба кунлари муҳим ишларга қўл урманг. Сешанбада янгиликдан воқиф бўласиз. Пайшанба куни кайфиятингиз аъло. Жумада ҳамкорлар учрашуви. Шанбада бой бўласиз. Якшанбада сирли учрашув.

## “МУСАХХИХ ЯНГЛИШИДА”

Балли, қондигиз (тондигиз) хўжайин!

\*\*\*

Раис бувам 50 килога яқин ердилар (тердилар).

\*\*\*

Юришинг (кулишинг) инсонга фойдаси катта.

\*\*\*

Урилиш (қурилиш) ишлари тез фурсатда яқунланиши керак.

\*\*\*

Ҳали доллар (толлар) соясида дам оламиз.

\*\*\*

Кифтимиз (лифтимиз) 300 килогача дош бера олади.

\*\*\*

Янги кўшимиз чўчиб (кўчиб) кетди.

\*\*\*

Дўконда дўстим колбасага (талвасага) тушди.

\*\*\*

Улар тукумизни (юкумизни) юлиб олишди.

\*\*\*

Тишлашни (ишлашни) эласанг қол!

Нурбек САЛОМОВ,  
ТошДУ толиби

## МАХСУС СПОРТ «МАҚОП»ЛАРИ

Шогирдидан енгилган устози: “Ўзимдан чиққан балага, қайта борай давога”.

Қиличбозларга: “Аяган кўзга чўн тушар”.

Тоғ чангичиларига: “Бировга чоғ қазисанг, ўзинг йиқиласан”.

Футболчиларга: “Бонда ақл бўлмаса - оёқда тиним бўлмас”.

Югурувчиларга: “Югурганики эмас, буюрганики”.

Калтақланган каратэчига: “Доно сўз билан, подон мушт

билан.”

Чавандозларга: “Ё донги чиқар, ё чанги.”

Тош кўтарувчиларга: “Керакли тошнинг оғири йўқ.”

Кўш ҳакамли ўйиндагиларга: “Кўйчивон кўп бўлса, кўй харом ўлади.”

Шахмат-шашкачиларга: “Ҳисобли дўст айрилмас”.

Хуршид БЕК

Туркистон



Иккинчи ярим йиллик  
учун обуна бошланди!  
Шошипинг!

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ  
«КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир  
Абдуқодир НИЁЗОВ

Навбатчи муҳаррир  
Хуршид РУЗИЕВ

ТАХРИРИЯТ:

Бош муҳаррир — 133-89-61

Кабулхона — 136-56-58

Хатлар бўлими — 133-79-69

МАНЗИЛИМИЗ:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Тахририятга юборилган материаллар қайтариқмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтан назаридан фарқлангани мумкин.